R. Shirinova

The Baku Manuscript of the Work Wiqāya by Sadr al-Sharīʿa in the Treasuries of the Institute of Manuscripts of Azerbaijan

ʿUbayd Allāh ibn Masʿūd, known as Tāj al-Sharīʿa al-Awwal (al-Akbar), lived in Bukhara in the 13th century. His work *Wiqāyat al-Riwāya fī Masāʾil al-Hidāya* ("The Safeguarding of Transmission in the Questions of al-Hidāya"), composed in Arabic prose, is regarded as one of the most reliable and refined sources for the study of the Hanafi school of Islamic jurisprudence. Initially, five manuscript copies of *Wiqāya* were discovered in the M. Fuzuli Institute of Manuscripts under the National Academy of Sciences of Azerbaijan. These manuscripts are catalogued under the codes B-3227, B-5761, B-7265, B-7496, and S-740. Three of them are complete, and two are incomplete. The oldest among them, coded S-740, was transcribed in 918 AH / 1512 CE in the naskh script by the scribe Bafshish ibn Nūr al-Dīn.

Keywords: *world, philosopher, Muslim, title, jurist, book, city, author, scholar, work.*

Н. Аллаева

Манбаларнинг қиёсий-солиштирма таҳлили хусусида
(Хива хонлиги тарихининг айрим масалалари мисолида)

Йўналишидан қатъи назар, ҳар қандай изланиш ва тадқиқотнинг асосини қиёсий-солиштирма таҳлил ташкил этади. Инсон тафаккури ва жамият тараққиёти билан боғлиқ бу усул муаммони англаш, аниқлаш ҳамда ечимини топишга хизмат қилади. Бутун Шарқда бўлгани каби, Хива хонлигида ҳам тарих ёзиш анъанаси катта бир тажриба йўлини босиб ўтган.

Одатда, Хоразм тарихнавислик мактабининг шаклланиши хон ва тарихчи Абулғози Баҳодирхон (1603–1664) номи билан боғлаб кўрсатилади. Албатта, ўзига хослик билан бирга, ёзиш услуби, асарларининг тузилиши, маълумотларнинг тақдим этилишига қараб,

унинг мавжуд тарихнавислик анъаналарига ҳам амал қилганини кўриш мумкин.

Асарнинг ёзилишидан кўзланган мақсад, сабаб ва қисқача тарихини баён этиш деярли барча тарихий, адабий ва турли жанрдаги асарларда кўзга ташланадиган асосий жиҳат ҳисобланади. Бунда инсониятга хизмат қилиш, яратган томонидан берилган *тарихни билиш* қобилиятини одамларни хурсанд қилиш ва уларга билим тарқатишга сарфлаш масъулияти муҳим омил сифатида қайд этилади.

Тарих ёзиш борасида Абу Райҳон Берунийнинг (973–1048) илмий мероси, жумладан “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарининг яратилишига доир мулоҳазаларни келтириш жуда ўринли бўлади. Олимнинг ўзи бу ҳақда шундай изоҳ берган: “Адиблардан бири мендан [турли] халқлар ҳақидаги тарихлар, уларнинг бошланиши ва шахобчалари, яъни ойлар ва йиллари, машҳур байрамлари, маросимлари ҳақида сўради ва мени имкон борича уларни жуда равшан баён этиб, ўқувчи фаҳмлайдиган, [турли] китобларни ахтариш ва у китоб эгаларини суриштиришга эҳтиёж қолдирмайдиган [бир асар ёзишга] даъват этди” [1: 40–41]. Асарни ёзиш усули борасида эса Беруний: “....кучимни йиғиб, [бор] имкониятни ишга солиб, гоҳ эшитиш, гоҳ кўриш ва қиёс қилиш орқали у нарсаларни баён этишга бел боғладим” дея тушунтириб ўтган. Тарихий воқеаларнинг ҳаққонийлигини аниқлашни мақсад қилиб қўйган аллома “мен тутган йўл ва танлаган усул осон эмас, балки узоқ ва қийин йўлдир” деб алоҳида урғу бериб ўтган.

Хива хонлиги тарихини ёзишда, шубҳасиз, Абулғози Баҳодирхоннинг ўрни беқиёс. У ҳам дастлаб, мавжуд анъанага кўра, ўзининг асарларини ёзишдан мақсади ва сабабларини келтириб ўтган. Аввало, ўзининг “Худойи таъло томонидан берилган тарих билиш қобилияти”га эътибор қаратиб, сўнг Чингизхон (1206–1227) ҳамда унинг аждодларига бағишлаб кўплаб туркий ва форсий асарлар яратилганлиги, аммо Шайбонийлар сулоласи (1500–1601) тарихи ҳануз ёзилмай келаётганига урғу берган. Буни муаррих шундай талқин қилган: “ота ва оқаларимизнинг бепарволиғи ва Хоразм халқининг бевуқуфлиқи, бу икки сабабдин бизнинг жамоатимизни Абдуллахон ва бизнинг оталаримизнинг айрилған еридан то бизгача тарихларини битмай эрдилар. Бу тарихни бир

кишига таклиф қилали деб фикр қилдук. Ҳеч муносиб киши топмадуқ. Зарур бўлди. Ул сабабдин ўзимиз айтдуқ” [3: 11].

Туркманлар шажарасига бағишланган “Шажарайи тарокима” (“Туркманлар шажараси”) асарининг дунёга келишини изоҳ берар экан, Абулғозихон: “Хоразмга туркманлар келиб жойлашгандан кўп йиллар ўтиб, туркман муллари, шайх ва беклари менинг тарихни яхши билишимни эшитиб олдимга келишди ва шундай сўзлар билан мурожаат этишди: бизда Ўғизхон ҳақида кўп ҳикоялар бор, лекин уларнинг биртаси ҳам яхши эмас, борининг хатолари кўп ва улар бир-бирига мос келмас, ҳар қайсиси ўзича. Бирта ҳаққоний ва муносиб тарих бўлса яхши бўлар эди, деб илтимосларини баён қилишди. Пайғамбар айтганидек, кимдир бир мусулмоннинг кўнглини шод қилса, унга худонинг хизматини қилганга бериладиган мукофотдан ортиқ мукофот берилади. Шундай экан, менинг сўзларимдан ўзлари билмаганларини билиб оладиган неча минг кишининг кўнгиллари шод бўлади. Умид қиламанки, гуноҳларим учун бериладиган жазодан кўра ушбу қилган савоб ишим – ёзган китобим учун бериладиган мукофот ортиқ бўлади” дея таъкидлайди [6: 36; 2: 5–6].

Абулғозихон табобатга бағишланган “Манофеъ ал-инсон” (“Инсон манфаатлари”) рисоласи (1664 й.)нинг яратилишини ҳам шундай изоҳлаган: “Китобларни назарга келтириб эрдик, мақсади гоҳо топилур эрди, гоҳо топилмас эрди, улкун топилур эрди, ҳозир машаққат билан ўртага келур. Шул сабабдин, иллатга илож қилмоқ учун, мўътабар китоблардин хоҳлаб жам қилиб. Ондин сўнг иллатларни баён қилдим” [11: 105–116]. Ҳақиқатан ҳам, ўша даврда тиббиётга доир қатор араб ва форс тилидаги асарлар мавжуд бўлса-да, аммо, уларни топиш, соф туркий тилда ўқиб фойдаланиш, айниқса, оддий халқ учун жуда мураккаб эди. Шунинг учун ҳам Абулғозихон бу соҳага ҳам эътибор қаратиб, рисоласини халққа тушунарли содда ва жонли тилда ёзган.

Кўриниб турибдики, умум манфаатига хизмат қилиш, яратганнинг розилигига эришиш ҳамда бошқа ижтимоий-сиёсий омилларга кўра тарихий асарлар ёзиш анъанаси давом этиб борган. Шу билан бирга, Берунийда таъкидланган “қиёс қилиш” услуби орқали бирёқламаликка йўл қўймасликка ҳаракат қилинган. Абулғозихон, ундан кейинги Хоразм тарихнавислари, жумладан,

Муҳаммад Юсуф Баёнийда (1858–1923) бу тамойил “тарафдорлик қилмай воқеаларни ростлик билан баён этиш”, деб келтирилган [10: 178]. Бунда илгари яратилган асарлар, халқ оғзаки ижоди намуналари, ривоятлар ҳамда ўзи гувоҳ бўлган воқеаларни эшитганлари билан қиёслаб баён этишга катта аҳамият берилган.

Абулғози Баҳодирхон ўз замонасининг ўткир билимли тарихчиси сифатида асарларини ёзишда бошқа муаллифлар каби ўзига қадар яратилган бой маданий меросни жуда чуқур ва атрофлича ўрганган ҳамда ундан самарали фойдаланган. Хусусан, “Шажарайи турк”ни ёзишга киришар экан, у қўл остида ўн саккизта форсий ва туркий тилларда ёзилган манбалар борлигини қайд этган: “Эрон бирлан Туронда ўтган Чингизхон ўғлонларининг отларина айтилган тарихлардин ушбу замон фақирнинг олдинда ўн саккиз мужаллад ҳозир турар эрди” [3: 11].

Тарихий воқеликни ёритишда бирёқламаликка йўл қўймаслик, манбаларни таққослаш услуби ҳаққонийлик мезонининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Шу жиҳатдан, бу талаб бугунги кун тарихий тадқиқотлари учун янада долзарбдир.

Хива хонлиги тарихида деярли таҳлилга тортилмаган ёки юзаки тўхтаб ўтилган воқеаларни бир неча манба асосида ёритиш юқорида келтирилган тадқиқот тамойиллари ва услуби ҳақида аниқроқ тасаввур ҳосил қилади. Хусусан, XIX аср иккинчи ярмида Россия империясининг Туркистонга ҳарбий ҳаракатлари фаоллашган даврда учала хонлик муносабатлари, минтақадаги умумий сиёсий вазият ҳануз чуқур ва ҳар томонлама тадқиқ этилгани йўқ.

Огаҳийнинг (1809–1894) “Шоҳид ал-иқбол” (“Саодат шоҳиди”) асарида бу давр воқеалари баён этилар экан, 1864 йил кузида Хоразмга юборилган Қўқон элчиси “ўрус лашкари Туркистон қалъасин ғалаба била олғонин хабарин келтуруб кўмак тилади” деб маълумот берилади манбада [9: 47]. У ерда баён этилишича, кўп йиллардан бери рус қўшинлари Сирдарёнинг шимолий тарафини ўзларига маскан қилиб, ҳар йили “ўрусдин фавж-фавж лашкар келиб аларға қўшулуб, ҳисобсиз кўб бўлмиш эрди” ва охири бу катта қўшин Оқмасжид қалъасини қамал қилишга киришган. Туркистон вилоятини қўлдан бой берган Қўқон хони “бир кишини сафорати расмий била йибориб, Хоразм подшоҳи ва Рум халифасидин мадад ва кўмак тилаш”га қарор қилган. Шу тариқа Хива хони Саййид Муҳаммад

Баҳодирхон номига бир нома битиб, “тазарруъ (*зорланиш, ёлвориш*) ва тахашшуъ (*тавалло*) изҳор қилган” ҳолда кўмак сўраган.

Қўқон элчиси ўзига берилган вазифага кўра Усмонийлар султони ҳузурига ҳам бориши лозим эди. Шу боис, Хивада ҳордиқ чиқариб, муносиб навозишлардан баҳраманд бўлган Қўқон элчиси Рум (*Туркия*) сафари учун рухсат сўраган. Хон унга сафар учун лозим бўлган барча нарсаларни бериб, Хуросон тоғигача кузатиб қўйишни буюрган [9: 48, 52].

Ушбу воқеалар тафсилотини Ўзбекистон Миллий архиви И-125 “Хива хонлиги девонхонаси” фондида сақланувчи 1864 йил санаси билан қайд этилган Қўқон хони Султон Саййид Муҳаммад Баҳодирхоннинг Хива хонига йўллаган мактуби орқали ҳам тўлдириш мумкин [7: 1]. Унда Қўқон хони рус аскарларининг *“(куфрайи Урусия) Уч Олмати тарафидин хуруж қилиб, Авлиёота қўрғонин олиб ва яна Оқмасжид тарафидаги Туркистон қўрғонин олди деб дорулсатана Хўқандда эшитиб ... Шариат ҳукми била ғазот қилмоқни фарзи аъйн билиб”*, Чимкентга қўшин тортганлигини маълум қилган. Мактубда бўлган ҳодисаларни Усмонли Турк султонига етказиш ва у билан иттифоқчилик қилиш мақсадида элчи юборилаётганлиги хабар берилиб, Хива хонидан элчини ўз ҳудудларидан ўтказиб қўйиш сўралган. Хусусан, *“... бул ҳодисотларни Сиз биродаримизга эълом (маълум) қилиб, саодатпаноҳ эшон Саййид Яъқубхўжа нақиб қози калонни ирсол этиб (юбориб), бу маҳораба ва мақотилаларни бир-бир баён этиб, жаноб халифа ал-раҳмон Султони Румға арзадошт айлаб, элчи қилиб юбордук ... меҳрибон бўлуб, жаноби мазкурни ... эсон-омон халифа хизматлариға ўткариб юборсалар хурсандлик ҳосил бўлур”* деб қайд этилган мактубда.

Шунингдек, “Шоҳид ал-иқбол”да Муҳаммад Раҳимхон II (1845–1910; ҳукмронлик йиллари 1864–1910) билан Бухоро амири ўртасидаги дўстона алоқаларга урғу берилиб, Хоразмга элчи қилиб юборилган Саидхўжа ўроқ Амир Музаффарнинг (1834–1885; ҳукмронлик йиллари 1860–1885) Қўқон хонлигини ўз ҳукмронлиги остига олганлигини “суюнчилатиб” келганлиги хабар қилинади. Огаҳийнинг маълум қилишича, ушбу жараён бевосита Қўқон хони ҳамда аксарият юқори табақа вакилларининг розилиги ва ўзаро келишувига кўра амалга ошган эди. “Шоҳид ал-иқбол”да кўрсатилишича, рус лашкарининг ҳужумидан ваҳимага тушиб, “нединким ўрус қўлиға гирифтор бўлғонимиздин [кўра] анга мутобаат кўргузгонимиз

яхшироқдур” деб Бухоро амирининг қўл остида бўлишни афзал билган Қўқон хони ва *аркони давлат* Бухоро амирига мактуб йўллаган эди. Хусусан, асарда: “Хўқанд вилоятининг волийси султон Муродхон бошлиғ жамеъи умаройи изом ва акобири киром ўрус лашкарининг ғалабасидин ваҳмнок бўлуб (*ваҳимага тушиб*), Амир Музаффардин мадад тилаб киши йибордилар. “Агар келса, Хўқанд вилоятин анга берурмиз. Ва барча улуғ ва кичик анинг хизматгузори ва фармонбардори бўлурмиз. Нединким, ўрус қўлиға гирифтор бўлғонимиздин анга мутобаат кўргузгонимиз яхшироқдур”. Ушбу мазмун била неча мартаба муроса ва мукотабот ирсол қилдилар. Амир Музаффар худ бурундин Хўқанд вилоятининг тасхири бодасидин бадмас, балки махмур эрди, Хўқанд акобирининг йиборгон мактублари мазмунидин маълум қилғондин сўнг бошиға хуморшиканлик дағдағасининг ҳавоси тушуб, кўп асбобу лашкар жамъ этиб, Бухородин озим бўлди. Ва Хўқанд вилоятиға бориб, баъзи акобирининг дастёрлиғи била ул диёрнинг дору-л-мулкига мутарриф бўлди. Ва баъзи умаро ва акобирниким, аларнинг ҳақида бадгумон эрди, ўлтурди. Ва Султон Муродхонни салтанат тахтидин тушуриб, шаҳардин чиқориб йиборди. Ва Худоёрхон ибн Муҳаммад Алихонниким ўзининг мулозиматида бўлур эрди, ўз тарафидин нойиб қилиб, Хўқанд салтанати маснадиға миндурди”, – деб қайд этилган [9: 66].

Кўриниб турибдики, воқеаларнинг бундай тус олишидан жуда мамнун бўлган Бухоро амири ушбу таклифни қабул қилган ва Қўқон хонлиги тахтига бу вақтда ўзининг мулозаматида юрган (собиқ Қўқон хони) Худоёрхонни (1829–1878; ҳукмронлик йиллари 1845–1858, 1862–1863, 1865–1875) ўтқазган.

Рус ҳукуматининг агентура хабарида ҳам “эшитишимизча, Қўқон хони Худоёрбек Бухоро амирига иккита элчилик юборибди. Биринчи элчилик орқали ўзининг Бухоро тобелигини қабул қилишлигини маълум қилиб, амирдан қўшин билан Қўқонга етиб келишини сўраган” деб қайд этилган [5: 57–58]. Бухоро амири бу таклифни қабул қилганлигини хабар қилган рус амалдори бундай ҳолат илгари ҳеч қачон бўлмаганлиги ва ҳеч бир ҳукмдор ўз мамлакатини ўз хоҳишига кўра бошқасига топширмаганлигини таъкидлайди. Қўқон хонининг Бухорога юборган иккинчи

элчилиги борасида “у шунчалик салобатлики, совғалар ортилган туялар карвони беш верстга[1] чўзилиб кетган” дейилади.

Бухоро амирининг ғалабасини “суюнчилаб” келган мазкур элчиликнинг моҳиятига изоҳ берар экан, Огаҳий дўстона ва яхши қўшничилик муносабатларининг ўзига хос қоидаси борасида: “Амир Музаффар чун ҳазрат зилли субҳоний [Муҳаммад Раҳимхон II] била ҳамиша мувофақат ва мусодақат (*дўстлик ва садоқат*) кўргузуб, бир-бири била муросалат (*элчилик*) ва мукотабот (*мактублар*) йиборишиб, ҳар турлук воқеъа зуҳурға етса, бир-бирига эълом ва инҳо қилур эрдилар. Лиҳазо, Хўқанд фатҳиға даст топғонин ҳазрат зилли субҳонийнинг мулозимлариға ахбор этмак учун фатҳнома ёзиб, Саидхожа Ўроқға буюруб, суюнчи тариқаси била Хоразм жонибиға ирсол қилди (*юборди*)”, – деб мулоҳаза билдиради [9: 67].

Бухоро амирининг ғалабасини маълум қилиш учун келган элчи ўз вазифасини адо этиб бўлгач, “ўттуз кун элчихонаи олийда таваққуф қилиб (*туриб*), осудаҳол ва фориғбол” бўлгач, Хива хони уни ҳузурига чорлаган. Хон Бухоро элчиси Саидхожа Ўроқға подшоҳона илтифотлар кўрсатиб, “аллома” лақаби била машҳур бўлган Ҳожи Мухторни ҳамроҳ қилган ҳолда Амир Музаффарнинг ғалабаси билан муборакбод қилиш учун Бухорога юборган. Ҳожи Мухтор ўзига юклатилган вазифани бажаргач, бундан илгари Бухорога бориб, у ерда турган Хоразм элчиси Мусо мутаваллий билан бирга Амир Музаффарнинг қўшган элчиси Саъдуллахожа Ўроқ ҳамроҳлигида ўз юртига қайтган. Бухоро элчиси амирнинг юборган “муволифатнома”си ва шоҳона ҳадяларини Хива хонига тақдим этган. “Элчихона”да 72 кун истиқомат қилиб, меҳмон бўлгач, Аваз Ниёз маҳрам ҳамроҳлигида Амир Музаффар учун тайёрланган “муҳаббатнома” ва совға-саломларни олиб Бухорога кузатиб қўйилган [9: 98].

Бухоро амири Музаффар рус қўшинларидан енгилиб, Россия империяси билан тинчлик сулҳини тузгандан кейин унинг катта ўғли Абдулмалик Катта тўра бошлиқ мўътабар амирлар ва дин пешволари Амир Музаффардан норози бўлиб унга қарши бош кўтаришган эди.

[1] *Верст* ёки *верста* 1918 йилда янги метрик тизим жорий этилгунига қадар амалда бўлган эски рус узунлик (масофа) ўлчов бирлиги. Турли даврларда ўзгариб турган: 1 В. = 500 сажень = 1,0668 км.

Амир эса исёнчиларни бўйсундириш учун рус ҳукуматидан ёрдам сўраган. Шу боис Бухорода қола олмаган Абдулмалик Катта тўра Шаҳрисабз ҳокимига “Ўрусға бораман” деб ҳийла ишлатган ҳолда 400 дан кўпроқ отлиқ билан Шаҳрисабздан чиқиб, Хива хонидан ҳимоя истаб келган эди.

ЎзР МДА “Хива хонлиги девонхонаси” фондида сақланувчи ҳужжат 1868/1869 йилда Абдулмалик Катта тўранинг Хива хонига йўллаган мактуби бўлиб, унда шаҳзода отаси билан муносабатларининг бузилиши ҳақида атрофлича баён этган. Хусусан, Бухоро шаҳзодаси отаси “куффор ашрор Самарқанд вилоятини мусаххар (*забт, истило*) этгандин сўнгра ... ғанимпеша шайтанат андишаларни сўзиға кириб, ... бадгумон бўлуб, ота-болалиғ риштасин бемурувватлиғ (*шафқатсизлик*) олмоси ила узиб ... Русияга инқиёд (*итоат*) этиб, жаҳолат ва қабоҳат шароити”ни ҳосил қилганлиги боис Бухородан чиқиб кетганлигини маълум қилган [4: 1].

Огаҳий Бухоро шаҳзодасининг ташрифини “воқеаи тааҗҗубафзо” деб таърифлар экан, бу хабар келиши билан Хива хони бениҳоя шафқату мурувват юзасидан, “султон сўнгакин хор қилмас” деган мақолга кўра, унинг “подшоҳзодалигини эътиборга олиб, иззату ҳурмат шароитин бажо келтуруб”, кутиб олиш учун юқори мартабали амирлардан Муҳаммад Ризо оталиқ ва Муҳаммад Ниёз девонбегини пешвоз чиқишга буюрганлигини маълум қилади [9: 220].

Абдулмалик тўра Хива шаҳрига кириб келиши билан у учун махсус тайёрлаб қўйилган Ҳасанмурод қушбегининг Ангарик мавзеидаги ҳовлисига жойлаштирилган. Бир оз дам олгач Бухоро шаҳзодаси Муҳаммад Раҳимхон Iнинг *кўринуши*га келиб, барча воқеани “одоби тамом ва забони малолатанжом (*ғам-ғусса*) била” баён қилиб берган.

“Шоҳид ал-иқбол”да Хива хони Бухоро шаҳзодасига шу қадар “дилдорлиғлар ва дилжўйлиғлар қилди, ҳеч ато (*ота*) ўз ўғли ҳақида анинг мингдин бирин қилмамиш эрди” деб таъкидланади. Жумладан, унинг эҳтиёжлари учун етарли даражада кунлик маблағ ажратилган, ҳар ойда ўзига бериладиган 1500 тилло ва турли ҳашаматли хилъатлар (*тўн, камзул*)дан ташқари хизматидаги амирлар, сарҳанг ва мулозимларига ҳам умумий қиймати 500 тиллодан зиёд бўлган заррин либослар тайин этилган. Шунингдек, Тўра ҳар қачон кўнгли тиласа “кўрунуши ҳумоюн»га келар, хоннинг эъзозу эҳтиромларига, алоҳида сийловларига

сазовор бўлар эди. Асарда кўрсатилишича, Хива хони Тўранинг *подшоҳзодалик* ва *меҳмонлик* мартабасини инобатга олиб “ҳар сўз деса, эшитиб, ҳар на муддаоси бўлса, раво қилур” эди [9: 221].

Аммо, асардан маълум бўладики, Абдулмалик Катта тўра Хоразмда уч ой тургандан сўнг Марвдаги туркманлар орасига кетган. Шаҳзоданинг, яратилган барча шароит ва кўрсатилган ҳурмату эътиборга қарамай, Хоразмда қолишни истамасдан чиқиб кетганлиги “Шоҳид ал-иқбол”да анча батафсил баён этилган. Хусусан, у ерда изоҳ берилишича, “шаҳзода ёшлик ва ҳавасмандлик юзасидан беандишалик қилиб”, Хива хонини ўзининг отаси Амир Музаффар билан душманликка тарғиб этган ҳолда Бухорога юриш уюштириб, отаси билан жанг қилиш учун қўшин сўраган. Муҳаммад Раҳимхон II ёш шаҳзоданинг бу истагини рад этиб, шундай насиҳат қилган: “Ҳоло қистамағил, ҳар иш ўз вақтиға мавқуфдур. Агар тиласанг, атонгдин гуноҳингни тилаб, сани атонгнинг хизматиға йибароли. Ва агар бу вилоятда бўлмоқ тиласанг, сани уйлантуруб, санга кўнглунг тилагандин ҳам яхшироқ маъво ва сукано ва мазраъа (*мулк ва мартаба*) тайин этоли, токим ҳар ғам ва малолгардиким, фалак гардишининг ихтилоф ва ихтилоли (*бузилиши*)дин хотиринг кўзгузисиға етгон бўлса, марҳаматимиз сайқалидин маҳв қилғил ва роҳат гулшанида айшу ишрат била ўлтурғил, токим ғайб пардасин қайси воқеа шоҳиди жилвагарлик қилғайу қайси кайфият била мақсад ҳусули (*эришиш*) муяссар бўлғай” [9: 221–222].

Абдулмалик тўра Хива хонининг панд-насиҳатларини эътиборга олишни истамай, бир неча бор така ва эрсари туркманларининг олдига кетишга рухсат сўраган. Хива хони уни бу йўлдан қайтаришга ҳарчанд уринмасин, охир-оқибат шаҳзода Марвга кетган эди. Унинг хизматидаги аксарият амирлар ва мулозимлар Катта тўранинг хизматидан бош тортиб, Хоразмда қолган ҳамда Муҳаммад Раҳимхон II улар учун керакли шароитларни яратиб, ҳар бирига муносиб маблағлар тайинлаган [9: 222]. Мазкур воқеалар Бухоро тарихига бағишланган “Тарихи салотини Манғития” (“Манғит султонлари тарихи”) асарида бутунлай фарқли тарзда баён этилган. Унда келтирилишича, “Бухородан қочиб Хоразмга келган Тўра Урганч хонидан ўзи кутган олижаноблик ва одамгарчиликни кўрмаган” [8: 103–106]. Шунга қарамай, мажбурликдан у ерда бир неча кун тургач, ўзининг хизматида бўлган Абдулкарим тўқсобани Бухоро

хонига юбориб, гуноҳидан ўтишни сўраган. Бундан натижа чиқмагач, Абдулмалик тўра Хоразмда қолмай, Чоржўйга йўл олган. Лекин Бухоро амири билан муносабатларини бузишни истамаган маҳаллий ҳокимлар Абдулмалик тўрани қўллаб-қувватлашмаган. Бухоро шаҳзодаси ҳеч кимдан ёрдам ололмагач, қочиб Балхга, ундан Афғонистонга ўтган ва охир-оқибат Пешовардаги инглиз ҳукумати қарамоғидан жой олиб, умрининг охирига қадар у ерда яшаб қолган [8: 103–109].

Келтирилган маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, сарой солномалари тарзида битилган ёзма манбаларда Ўрта Осиёдаги учта хонлик ўртасидаги муносабатларнинг умумий ва хусусий жиҳатлари ҳамда минтақадаги сиёсий вазият, шунингдек, ички ва ташқи таъсирлар масаласи атрофлича баён этилган. Шу билан бирга, бу манбаларнинг ҳар бири воқеа-ҳодисаларни маълум бир томоннинг, яъни Хива, Бухоро ёки Қўқон хонликларидан бирининг манфаатларидан келиб чиқиб ифодалайди. Шунга қарамай, уларни қиёслаш ва қўшимча манбалар, жумладан, расмий ҳужжатлар билан солиштириш орқали маълум даражада холис хулосалар чиқариш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абу Рейхан Беруни (973–1048). Избранные произведения. Т.I. – Ташкент, 1968. –С. 40-41.
2. Абулғозий Баҳодирхон. Шажарайи тарокима / Нашрга тайёрловчи Қ. Маҳмудов. – Тошкент, 1995.
3. Абулғозий. Шажарайи турк / Масъул муҳаррир Б.Аҳмедов. Нашрга тайёрловчилар: Қ. Муниров, Қ. Маҳмудов. – Тошкент, 1992.
4. Бухоро амирининг тўнғич ўғли Саййид Абдулмалик (катта тўра)нинг Хива хонига ўз отаси Амир Музаффарга қарши исён кўтаришининг сабаблари ва кўмак сўраш борасидаги мактуби // – ЎзМДА. Ф. И-125, 2-р., 229-й.ж.,1-варақ.
5. Записка о происшествиях в степи, о среднеазиатских владениях. 30 апреля 1853 г. Материалы, относящиеся к Хиве и Кокане // Архив Востоковедов института восточных рукописей РАН (Санкт-Петербург). Фонд В.В. Григорьева: ф. 61, оп. 1, д. 14, л. 57–58.
6. Кононов А.Н. Родословное дерево туркмен. – Москва-Ленинград, 1958.

7. Қўқон хони Султон Саййидхоннинг Хива хонига мактуби (1281/1864) // –ЎзМДА. Ф. И-125, 2-р., 240-й.ж.
8. Мирза Абдалазим Сами. Тарих-и салатин-и мангитийа (история мангитских государей) / Перевод и примечания Л.М. Епифановой. – Москва, 1962.
9. Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий. Шоҳиду-л-иқбол (Иқбол шаҳодати) / Нашрга тайёрловчи Н. Шодмонов. – Тошкент, 2009.
10. Муҳаммад Юсуф Баёний. Шажараи Хоразмшоҳий. “Мерос” туркуми / Нашрга тайёрловчи И. Адизова. Масъул муҳаррир Н. Жумаев. Тошкент, 1991. – Б. 175–265.
11. Ҳасаний М. Абулғози Баҳодирхоннинг тибга оид асари // Шарқшунослик. – 1997, № 8. – Б. 105–116.

Н. Аллаева

Манбаларнинг қиёсий-солиштирма таҳлили хусусида
(*Хива хонлиги тарихининг айрим масалалари мисолида*)

Мақола XIX аср Хива хонлиги тарихига оид айрим маълумотларни таҳлил қилиш орқали қиёсий-солиштирма тадқиқот усулининг аҳамиятини кўрсатиб беришга қаратилган. Унда Абу Райҳон Беруний, Абулғози Баҳодирхон, Огаҳий ва Баёнийларнинг асарлари мисолида Шарқ, жумладан Хоразмда тарих ёзиш анъанасида қиёслаш ва холислик тамойилларига урғу берилган. Мақолада Хива – Қўқон – Бухоро хонликлари ҳамда уларнинг Усмонийлар билан элчилик муносабатларига доир “Шоҳид ал-иқбол”, “Тарихи салотини Манғития” асарлари ҳамда Ўзбекистон ва Россия архив ҳужжатларида келтирилган маълумотлар қиёсий таҳлил қилинди.

Калит сўзлар: *Хива хонлиги, тарихнавислик, қиёсий-солиштирма таҳлил, Беруний, Абулғози Баҳодирхон, Огаҳий, Баёний, Шоҳиду-л-иқбол, архив ҳужжатлари, дипломатик алоқалар.*

Н. Аллаева

К вопросу сравнительно-сопоставительного анализа источников
(на примере некоторых аспектов истории Хивинского ханства)

Статья направлена на демонстрацию важных элементов сравнительно-сопоставительного анализа на примере некоторых сведений истории Хивинского ханства в XIX веке. В ней на основе трудов Абу Рейхана Бируни, Абулгази Бахадур-хана, Агахи и Баяни подчёркиваются принципы *сравнения* и *объективизма* в традициях историографии Востока, в частности Хивинского ханства. В статье представлен сравнительный анализ исторических трудов таких как «Шахид ал-икбал» и «Тарих-и Салатини Мангития», а также архивных документов Узбекистана и России, касающихся посольских связей между Хивинским, Кокандским и Бухарским ханствами и их дипломатических отношений с Османской империей.

Ключевые слова: *Хивинское ханство, историография, сравнительный анализ, Бируни, Абулгази Бахадур-хан, Огахи, Баяни, Шахид-уль-Икбал, архивные документы, дипломатические отношения.*

N. Allaeva

Comparative-Contrastive Analysis of Sources
(some examples from the Khiva Khanate's history)

The article aims to demonstrate important elements of comparative-contrastive analysis using examples from the history of the Khiva Khanate in the 19th century. Based on the works of Abu Rayhan Biruni, Abulgazi Bahadur Khan, Agahi, and Bayani, it emphasizes the principles of comparison and objectivity in the traditions of Eastern historiography, particularly in the Khiva Khanate. The article presents a comparative analysis of historical works such as Shahid-ul-Ikbal and Tarikh-i Salatin Mangitiya, as well as archival documents from Uzbekistan and Russia concerning embassy relations between the Khiva, Kokand, and Bukhara Khanates and their diplomatic relations with the Ottoman Empire.

Key words: *The Khiva Khanate, historiography, comparative analysis, Biruni, Abulgazi Bahadur Khan, Ogahi, Bayani, Shahid-ul-Ikbal, archival documents, diplomatic relations.*

Ж. Абдулхамидов

Еттишаҳар давлати тарихига оид манбалар ва уларнинг тавсифи

Қўқон хонлиги саркардаси, давлат арбоби Муҳаммад Ёқуббекнинг (1820–1877) ҳаёти ҳамда у Шарқий Туркистонда асос солган Еттишаҳар давлати (1865–1878) тарихига оид манбалар сони элликдан ортиқ ҳисобланади. Уларнинг аксарияти Ўзбекистон, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Тожикистон, Туркия ва Европа мамлакатлари кутубхоналарининг қўлёзмалар фондларида сақланади. Ушбу қўлёзмалар туркий ҳамда форсий тилда ёзилган. Еттишаҳар давлатининг сиёсий, маъмурий-бошқарув тизими, иқтисодий ва маданий ҳаёти билан боғлиқ маълумотларни тадқиқ қилиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Шу билан бирга, Қўқон хонлиги, Бухоро амирлиги ва Шарқий Туркистон тарихига оид манбалардаги Муҳаммад Ёқуббек ва Еттишаҳар давлати тарихига оид маълумотларни ўрганиш долзарб ҳисобланади.

Бу масала жаҳондаги кўпгина тадқиқотчилар томонидан хитой ва уйғур тилидаги манбалар, рус, хитой ва бошқа тиллардаги архив ҳужжатлари, матбуот саҳифалари асосида ўрганилган, бироқ улардаги маълумотлар бирёқлама ёритилган. М.Ф. Гавриловнинг ишларида Муҳаммад Ёқуббекнинг Қашқар тахтига чиқиши [7], қозоғистонлик уйғур олими Довуд Исиевнинг “Еттишаҳар уйғур давлати” номли китоби [11] архив ҳужжатлари, тарих фанлари доктори Аблат Ходжаев Хитойнинг Чинг империяси (1644–1911) билан Еттишаҳар давлати ўртасидаги сиёсий алоқалари тарихига мансуб хитой ва уйғур тилидаги манба ва адабиётлар [35], Еттишаҳар давлати тарихининг ички сиёсати Д. Тихонов ишларида уйғур манбалари [33] асосида яратилган. Г. Хидоятов тадқиқотида Марказий Осиёдаги рус-инглиз рақобати жараёнида Еттишаҳар давлатининг ўрни таҳлил қилинган [34]. “Хитойдаги “муқаддас жиҳод” деб номланган асар муаллифи Ким Ҳодонг Муҳаммад Ёқуббек ва унинг Еттишаҳар давлати тарихини